АЛОҶА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҶАСИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Абдувоҳидов Фаррух Носиожонович, ТАТУ, 110-11 гуруҳ талабаси

Мамлакатимизда жамият тараққиётининг барча жабҳаларида, энг аввало, иқтисодий соҳада ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида аниқ дастурлар ишлаб чиқилган. Бу дастурларни жорий этишдан кўзланган асосий мақсад - Ўзбекистоннинг демократиик ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш, жаҳон ҳамжамиятига кенг интеграциялашуви ва барқарор олға бориши учун мустаҳкам замин яратишдир.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, «Макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, жалб этилаётган инвестицияларни кўпайтириш ҳисобидан таркибий ўзгаришларни қатъий давом эттириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш - биз учун бош вазифа бўлиб қолади»⁶.

Бугунги кунда республиканинг иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси инвестиция жалб этишнинг аниқ йўналишларини белгилаб, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилona тартибга солиш асосида ички ва ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда иш олиб бормоқда. Зеро, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнини бошидан кечираётган ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланишидир. Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб қилади. Бу ўз навбатида республикада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Ўзбекистонда электралоқа секторидаги хорижий инвестициялар ўтган даврга нисбаттан ривожланишнинг юқори кўрсаткичлари қайд этилган, 2002 йилда электралоқа секторидаги хорижий инвестициялар 12.36 млн АҚШ доллар миқдорида қайд этилган эди. 2006 йилгача электралоқа секторидаги хорижий инвестициялар 119.84 млн АҚШ доллар миқдорида эди. Ўзбекистонда хорижий инвестициялар 2007 йилдан юқори кўрсаткичлар, 2007 йилда 213.5 млн АҚШ доллар, 2008 йилда 288.9 млн АҚШ доллар ва 2009 йилда энг юқори кўрсаткич 382.34 млн АҚШ доллари миқдорида бўлган. Бугунги кунда алоқа ва

⁶ И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2007 йил мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлаб ўтказилган мажлисдаги маърузасидан.

ахборотлаштириш соҳасидаги хорижий инвестициялар 2010 йилда 345.13 млн АҚШ доллари миқдорида қайд этилган.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг етакчи субъекти “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясидир. Бугунги кунда “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси, Ўзбекистоннинг энг йирик телекоммуникацион оператори сифатида фаолият олиб бормоқда. “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация бозорида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиш билан бир қаторда, хориж давлатлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Таҳлилга кўра 2005-2006 йилларда жалб этилган инвестицияларни асосий улуши хориж инвестициясига тегишлидир. Хориж инвестицияси 2005 йилда 78 % ҳамда 2006 йилда 67 % тенг бўлган. Лекин, 2007 йилдан бошлаб хориж инвестициясининг улуши камайиб кетган, яъни 2007 йил 8%, 2008 йилда 6% тенг бўлган бўлса, 2009 йилда умуман хориж инвестицияси киритилмаган. 2011 йилда хориж инвестициясининг улуши 29.0% ташкил этган. Ўзбекистоннинг телекоммуникация хизматлари бозорига мобил алоқа операторларини 2008-2009 йилларда 200-300 млн доллар инвестиция киритганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Агар 2011 йилда “Ўзбектелеком” АК каби компаниянинг 34555,0 млн сўм жами инвестиция киритганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ҳолат акциядорлик жамияти учун салбий ҳолат ҳисобланади. Демак таҳлилдан келиб чиққан ҳолда Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг олдида турган долзарб масалалардан бири бу рақобат салоҳиятини ошириш ҳамда кучли бозор стратегиясига эга бўлиш мақсадида инвестицион фаолиятни ташкил этиш ҳамда соҳага тегишли компанияларнинг инвестицион жалб қилувчанлигини оширишни таъминловчи тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг инвестицион фаолиятини ташкил этишни ривожлантириш қуйидаги йўналишлар бўйича амалий ишлар олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида магистрал ва зона ичи тармоғини реконструкция қилиш, кенгайтириш ва захиралаш;

Кенг поласали технология асосида IPTV хизматини жорий этиш;

Соҳанинг ривожлантириш мақсадида “Telecom Innovation” ҚҚда STB, ADSL ва DSLAM қурилмаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

Қишлоқ телефон тармоғидаги станцияларни реконструкция қилиш ва фойдаланувчиларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда иш олиб бориш;

Юқорида келтирилган тадбирларни амалга ошириш орқали қўшимча инвестицияларни жалб этиш имконияти вужудга бўлади. Бу эса ўз навбатида телекоммуникация объектларини модернизация қилиш ва замонавий хизмат турларини жорий этишга олиб келади. Провард натижада эса АКТ соҳасининг инвестицион салоҳияти ортади ҳамда рақобат муҳитида мустаҳкам ўринни эгаллашига замин яратади.

AKT SOHANING JAMIYAT RIVOJLANISHIDAGI TUTGAN O'RNINI UNING IQTISODIY MASALALARI

*Ma'murov Baxtiyor Xolmatjanovich, TATU, "Iqtisod"
kafedra assistenti Nurmuhammad Nuriniso Nig'matilla qizi,
TATU, 110-111u talabasi*

O'zbekistonda axborotlashgan jamiyat rivojlanishining iqtisodiy masalalari bugungi kunda dolzarb muammolardan biri hisoblanadi. Har bir sohaning jamiyat rivojlanishidagi tutgan o'rnini uning iqtisodiy tomonlariga bog'liq. Bozor iqtisodiyotining eng asosiy xususiyatlaridan biri erkin iqtisodiy faoliyat. Bozor iqtisodiyoti sharoitida turli xil mulk shakllari: xususiy, jamoa va davlat mulklari mavjud bo'lib, ular teng huquqli hisoblanadi. Ishlab chiqarish vositalarining ko'pchilik qismi xususiy shaxslar qo'lida, ular o'z iqtisodiy faoliyatlarini mustaqil, erkin ravishda olib boradilar. O'zbekiston o'zining taraqqiyot yo'lini qanchalik to'g'ri tanlagani uning olib borayotgan islohotlarida, mukammal ishlab chiqilgan dasturlari asosida o'z aksini topmoqda. Har qanday davlatda yuqori taraqqiyot darajasiga erishish uchun birinchi navbatda iqtisodiyotni ustuvorligini ta'minlash, resurslardan unumli foydalanish, jamiyat rivojlanishining iqtisodiy masalalariga urg'u berishi lozim. Har bir korxonalar va tashkilotlar inqirozga yuz tutmasligi uchun rivojlanishni to'xtatmasligi uchun yangi maxsulot va xizmat turlarini topishi, doimo izlanishda lozim.

O'zbekistonda axborotlashgan jamiyat rivojlanishining iqtisodiy masalalarini aloqa kompaniyalaridan biri "O'zbektelekom" AK misolida tahlil qilamiz. Bir paytlar telekommunikatsiya korxonalarining iqtisodiyot va jamiyatda tutgan o'rnini nari borsa kishilarni muloqot qilishlari uchun bog'lab berish bilan cheklangan bo'lsa, bugungi kunda axborot texnologiyalarining rivojlanishi va albatta sohaga hukumat darajasida berilayotgan katta e'tibor orqali kengayib bormoqda. Ilg'or texnologiyalarning tadbiiq etilishi va boshqa yangiliklarning joriy etilishida bevosita soha korxonalarining hissasi katta. O'zbekiston Respublikasi aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari davlat qo'mitasida bo'lib o'tgan qo'mita Hay'atining kengaytirilganyig'ilishda 2012 yilda aloqa sohasi korxonalarining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining joriy etish va rivojlantirish holati atroflicha ko'rib chiqildi hamda 2013 yilda iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirishning asosiy yo'nalishlari belgilab olindi. Hay'at majlisida Qo'mita boshqarmalari, bo'limlari hamda aksionerlik kompaniyalari, aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari sohasi korxonalar va tashkilotlari rahbarlari ishtirok etishdi. Majlisda 2012 yilda soha korxonalaridan xizmatlar ko'rsatish 22,5 foizga, jumladan, aholiga aloqa xizmatlari ko'rsatishning 24,5 foizga oshganganligi alohida ta'kidlandi. Yig'ilishda shuningdek, tizimdagi ayrim korxonalar rahbarlarining faoliyati tanqidiy baholanib, mavjud kamchilik va muammolarni tezkorlik bilan bartaraf etish bo'yicha tegishli topshiriqlar berildi. Hay'atda ko'rilgan barcha masalalar yuzasidan tegishli qarorlar qabul qilindi. Kompaniyaning iqtisodiy masalalarini ko'rib chiqar ekanmiz, uning marketing faoliyatiga, kompaniyaning daromadi,

kadrlar faoliyatiga, ustuvor vazifalariga ham alohida to'xtalib o'tishimiz lozim. O'tgan yili kompaniya tomonidan iqtisodiy islohotlarni rivojlantirish, ko'rsatilayotgan xizmatlar hajmini oshirish bo'yicha bir qator ishlar amalga oshirilishi natijasida salmoqli ijobiy o'zgarishlarga erishildiganini ko'rishimiz mumkin. Ko'rsatilayotgan xizmatlar sifati va raqobatbardoshligini oshirish bo'yicha ham qator ishlar amalga oshirildi.

Xususan, kompaniyaning 2011-2015 yillarda rivojlanish konsepsiyasi ishlab chiqildi. Konsepsiyada O'zbekiston telekommunikatsiya bozorining 2007-2009 yillardagi holati tahlil qilinib, 2011-2015 yillardagi asosiy maqsad va vazifalari, tijorat, marketing va texnologik strategiyalari aniqlandi. 2011 yil oxirigacha butun mamlakat bo'ylab "Yagona oyna" tamoyili asosida ishlaydigan 50ta "UZTELECOM" savdo ofislari ishga tushirildi. "O'zbektelekom" AKning kadrlar siyosati zamonaviy demokratik tamoyillar asosida xodimlarni tegishli lavozimlarga saralash, ishbilarmonlik va tadbirkorlik qobiliyatiga ko'ra xizmatga tayinlash, mutaxassis va rahbar xodimlarni muntazam ravishda respublikamizdagi yetakchi o'quv muassasalari hamda chet ellarda malaka oshirishlarini tashkil etish tadbirlariga katta e'tibor qaratmoqda. Shuningdek, "O'zbektelekom" AK va TATU hamkorligi doirasida ham joriy yili bir qator chora-tadbirlar amalga oshirildi. 2012-yilda soha korxonalarini tomonidan 3081,1 mlrd. so'mlik xizmatlar ko'rsatilganini, o'sish sur'atlari esa 22,5 foizni tashkil etganini ko'rishimiz mumkin. Eksport hajmi esa 88,9 mln. AQSh dollari tashkil etdi. Investitsiya dasturiga qo'mita bo'yicha kiritilgan to'g'ridan-to'g'ri jalb qilingan xorijiy sarmoyalar hamda korxonalarining o'z mablag'lari hisobiga amalga oshiriladigan loyihalar bo'yicha belgilangan 236,57 mln. AQSh dollar o'rniga 260,98 mln. AQSh dollari o'zlashtirilib, reja 110,0 foizga bajarilganini ta'kidlab o'tish joiz. Bundan ko'rinib turibdiki reja ko'zda tutilgan natijani ortig'i bilan bajargan. Toshkent filiali tizimida "Yagona oyna" tamoyili asosida xizmat ko'rsatuvchi UZTELECOM savdo ofislari soni 2011-yili 4 tani tashkil qilgan bo'lsa, 2012-yilga kelib ularning soni 10taga yetkazildi. Korxonalar iqtisodiy tomonlarni ancha yuksalishga ko'tarilgan. Yuqorida keltirilgan faktlarga asoslanib qaraydigan bo'lsak kompaniya nafaqat iqtisodiy tomonlarni barqarorlashganini, balki bir qancha filiallar bilan hamkorliklar sonini ortganiga, mijozlarning talabi ko'payib borayotganini guvohi bo'lamiz. Ko'rsatilayotgan xizmatlar sifatini yanada oshirish maqsadida xizmat ko'rsatish maskanlari operatorlarini ishga tanlab olish, ularni zamonaviy standartlar asosida o'qitish, barcha zarur normativ hujjatlar bilan ta'minlash yo'nalishida "O'zbektelekom" AK "BRM" filiali bilan hamkorlik qilinmoqda.

JAMIYAT AXBOROTLASHIV DARAJASINING HOZIRGI HOLATI VA UNING TA'LIM JARAYONIGA TA'SIRI

*Ma'murov Baxtiyor Xolmatjanovich, TATU, "Iqtisod"
kafedراسi assistenti Yoqubjonov Odil Komil o'g'li, TATU,
2-bosqich talabasi*

Mamlakatimiz mustaqillikka erishib jahon siyosiy xaritasida paydo bo'lganiga endigina 21 yil bo'lganiga qaramay, shu qisqa vaqt ichida dunyo hamjamiyatida o'z o'rniga ega bo'lgan qudratli davlatga aylandi. Shu qisqa davr mobaynida mamlakatimizda iqtisodiy-ijtimoiy hayot rivoj topdi va bugungi kunda ham jadal rivojlanmoqda.

Mamlakatimizda iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish bilan bir qatorda, ijtimoiy hayotni taraqqiy ettirish maqsadida, mustaqillikni dastlabki kunlaridanoq axborotlashgan jamiyat barpo etishga ustuvor vazifa sifatida qaraldi.

Axborotlashgan jamiyat tashkil etish, ayniqsa, "Axborot texnologiyalari" asri deb atalmish XXI asrda dolzarb ahamiyat kasb etadi. Buning uchun dastlab uning moddiy texnologik negizini yaratish kerak. Axborotlashgan jamiyatning moddiy va texnologik negizini kompyuter texnikasi va kompyuter tarmoqlari, axborot texnologiyalari, telekommunikatsiya aloqalari asosidagi turli xil tuzilmalar tashkil etadi.

Yangi tashkil etilgan Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari davlat qo'mitasi, bu sohada asosiy muvofiqlashtiruvchi organ sifatida, o'tgan yilda qabul qilingan Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy qilish va yanada rivojlantirish dasturi bajarilishini qat'iy nazoratga olishi, uning ijrosi natijalari to'g'risida Hukumatga muntazam ravishda axborot berib boradi.

Bu borada "Elektron hukumat" tizimini, shu jumladan, boshqaruv jarayonlari, shuningdek, biznes sohasiga va fuqarolarga davlat xizmatlari ko'rsatish tizimini shakllantirish konsepsiyasi va kompleks dasturini ishlab chiqishni jadallashtirishga, Axborot tizimlarining idoralararo va idoraviy komplekslarni integratsiya qiladigan milliy tizimini yaratishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Xozirda yurtimizdagi chekka-chekka qishloqlarda ham zamonaviy ta'mirdan chiqqan yoki butunlay yangidan qurilgan maktab, kollej va litseylar qishloq ko'rkiga ko'rk qo'shib turibdi. Ularning zamonaviy kompyuter qurilmalari bilan jihozlanganligi kishini ko'zini quvontiradi. Bu ta'lim tizimida axborot texnologiyalaridan foydalanish qamrovi oshib borayotganligiga yaqqol misoldir.

Axborotlashgan jamiyat tashkil etishda aholini kompyuter texnologiyalariga bo'lgan ehtiyojlarini qondirish bilan bir qatorda mobil aloqa texnologiyalarini rivojlantirib, sifatli mobil aloqa xizmatini taqdim etish ham muhimdir. Mobil aloqa vositalarida joriy etilayotgan yangidan-yangi funksiyalar, operatsion sistemalar (android AP, windows OP va x.k) ularning iste'molini kengaytirib axborot texnologiyalari bozorida salmog'ini

oshirmoqda. Statistik ma'lumotlar shuni ko'rsatadiki, yuritimizda internet xizmatlaridan mobil aloqa vositasi yordamida foydalanadigan aholi umumiy fodaluvchilarni 60% ini tashkil qiladi. Shunday ekan aholini mobil aloqa texnologiyalari bilan ta'minlashni iqtisodiy rag'batlantirish choralari yanada kengaytirilishi maqsadga muvofiq bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasining «Axborotlashtirish to'g'risida»gi Qonunini bajarish maqsadida Xalq ta'limi, Oliy va o'rta maxsus ta'limi vazirliklari tomonidan qator me'yoriy xujjatlar va dasturlar ishlab chiqilib, qabul qilingan, shuningdek axborot tarmog'ini shakllantirish, axborot resurslarini yaratish va AKTni ta'lim jarayonida qo'llash bo'yicha chora-tadbirlar amalga oshirildi.

Barcha oliy o'quv yurtlari yagona korporativ tarmoqqa birlashtirilgan. www.edu.uz, www.markaz.uz veb-saytlari ishga tushirilgan. Internet tarmog'ining milliy segmentida axborot resurslarni shakllantirish bo'yicha chora-tadbirlar rejasiga muvofiq, barcha o'quv yurtlari veb-saytlari www.edu.uz axborot-ta'lim portaliga birlashtirilgan. Bundan tashqari, o'quv yurtlarining o'quv qo'llanma va ma'ruza matnlari «Ziyo» elektron-ta'lim bazasida joylashtirilgan, «ZiyoNET» axborot-ta'lim tarmog'ining resurslari yaratilgan, o'zbek adabiyotining yorqin namoyondalari hayoti va ijodiga bag'ishlangan www.literature.uz veb-sayti ishga tushirilgan, maqolalar to'plami, o'quv qo'llanmalar va E-collector referatlar hamda oltita tilga mo'ljallangan www.multilex.edu.uz on-layn lug'at yaratildi.

O'quv jarayonini boshqarishni kompyuterlashtirish, ta'lim jarayoniga masofaviy o'qitishni joriy etish, talabalar va o'qituvchilarning mustaqil o'qishini ta'minlash maqsadida Toshkent axborot texnologiyalari universiteti (TATU) qoshida www.atdt.tuit.uz masofaviy ta'lim portali yaratildi.

Oliy ta'lim tizimida axborot texnologiyalarini joriy qilish yo'lida Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti (TATU) faoliyatini takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etadi. TATU va uning hududiy filiallarida kompyuterlashtirish, moddiy-texnik bazani boyitish, kompyuter sinflariga bo'lgan ehtiyojni qondirish masalalariga davlat tomonidan e'tibor qaratilishi natijasida bugungi kunga kelib TATU va uning filiallarida mavjud kompyuterlar soni 2000 donadan ziyodni tashkil qilmoqda.

2012-yilda xizmat ko'rsatish sohasi yuqori sur'atlar bilan rivojlandi. Aholiga ko'rsatilgan xizmatlar hajmi qariyb 15 foizga o'sdi. Bu jarayonda xizmatlarning yuqori texnologiyalarga asoslangan va bozor iqtisodiyotiga xos bo'lgan turlari jadal sur'atlar bilan rivojlanmoqda. Jumladan, aloqa va axborotlashtirish xizmatlari 24,5 foizga, kompyuter dasturlash xizmatlari 18 foizga, texnologik asbob-uskunalarni ta'mirlash va ularga xizmat ko'rsatish 17 foizga, moliya-bank xizmatlari 17,6 foizga o'sdi.

O'z navbatida, aloqa va axborotlashtirish sohasining rivojlanishi iqtisodiyotning boshqa tarmoqlaridagi rivojlanishga turtki bermay qolmaydi.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – КАДРЛАРНИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

*Д.К.Қувондиқова "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси
катта ўқитувчиси*

Алоҳида кишилар, жамоалар ва ташкилотлар бугунги кунда уларнинг ахборотлашганлиги ва мавжуд ахборотлардан самарали фойдаланиш лаёқатларига кўп даражада боғлиқ бўлмоқда. Қандайдир ҳаракатлар қилишдан олдин ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш, уни изоҳлаш ва таҳлил қилиш бўйича катта ишларни амалга ошириш талаб этилади. Исталган соҳада рационал қарорлар қабул қилиш катта ҳажмдаги ахборотларга ишлов беришни тақозо этмоқда. Бу эса махсус техник ва дастурий воситаларни жалб қилмасдан туриб мумкин бўлмайди. Замонавий ахборот коммуникацион технологияларига асосланган ахборот хизматлари янги тизимини яратишга эҳтиёж вужудга келди. Ахборотларни тўплашнинг шу сингари усул ва воситаларини самарали қўллаш, ўзгартириш, ўтказиш лаёқати билан бир қаторда айнан ишончли ва долзарб ахборотларга эга бўлиш ҳар қандай корхона, ташкилот, муассасаларнинг уларнинг ташкилий – ҳуқуқий асосидан қатъий назар, мувоффақиятли фаолияти учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бозор вазияти ахборот маҳсулотлари ва хизматларига бўлган талабнинг доимий ўсиши учун шароит яратади. Ҳисоблаш техникалари бозорини арзон ва айни вақтда замонавий техник ва технологик талабларга жавоб берадиган персонал компьютерлар билан интенсив тўлдириш жараёни кетмоқда. Дунё мамлакатларидаги олий таълим ва фан ютуқларининг бажарилишини қайд этиш, олинган маълумотларни қайта ишлаш, ахборотларни расмийлаштириш ва тизимга солиш ҳар қандай ўқув муассасасининг биринчи эҳтиёжи бўлиб қолмоқда. Бу эса техник ва дастурий воситаларга, мураккаб автоматлаштирилган тизимлар ва технологияларга талабни шакллантиради. Энг аввало, қарорларни тез қабул қилиш, таҳлилий маълумотларнинг реал жараёнларга мослиги даражаси, аниқ ўқув жараёнини таҳлил қилиш учун интерактив ва масофали ўқитиш усулларида фойдаланиш имконияти долзарб бўлиб қолмоқда. Масаланинг бундай қўйилиши олий таълим тизими амалиётига илмий – тадқиқот жиҳатини беради, янги илмий асосланган қарорлар, ёндошувлар ва малакали кадрларни талаб қилади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг олий таълим тизимида ахборот ва телекоммуникация хизматлари даражасининг ўсиб бориши аниқ ижтимоий ва иқтисодий фойда олишга замин яратмоқда. Интерактив хизматлар тармоқларига киришга имкони бўлган таълим муассасалари фан ва ўқитиш тизимидаги ўзгаришлар ҳақида аниқ ахборотга эга бўлишга; қишлоқ шароитида яшаётган кишилар эса телеўқитиш воситалари асосида

шаҳарлик ўқитувчилардан дарс олиш ва қишлоқ болалари ахборот тармоқлари асосида олдин ололмаган билимларга кириб, зарурларини танлаш ва фойдаланиш имкониятига эга бўлишмоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳам шундай имкониятга эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

миллий таълим тизимида хусусий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш;

барча ахборотдан фойдаланувчи ва уларни етказиб берувчиларга глобал компьютер тармоғига эркин киришларига имконият яратиш;

ахборот – коммуникациялар бозоридаги динамик ўзгаришларга мослашадиган меъёрий – ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

тақдим этилаётган хизматларнинг хилма-хиллигини

таъминлаш; интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш.

Ахборот асри таълим тизимида иш жараёнларини замонавий ҳисоблаш воситалари билан жиҳозлаш ва талаба-ўқувчиларга алоқа хизматларидан жорий даражада фойдаланишга имконият яратиб бериш лозим. Ушбу соҳа олимларининг фикрича, ахборот – коммуникация технологияларининг ривожланиш даражасига таъсир кўрсатувчи қуйидаги омилларни келтириш мумкин:

жамият тараққиётида коммуникация воситалари аҳамиятининг ортиб бориши ушбу соҳага катта миқдордаги капитал маблағ жалб этишни талаб этмоқда. Коммуникациялар ривожини учун сарф қилинган харажатлар бошқа соҳаларда, таълим соҳасида иқтисодий самарадорликка эришишга имкон яратади. Бу самарадорлик харажатга нисбатан 12-15 баробар кўп бўлиши мумкин;

алоқа воситалари тўлиқ автоматлаштирилган бўлиши шарт;

компьютер технологиялари ва алоқанинг ўзаро чамбарчас боғланиб кетиши илмий – техника тараққиётини ҳамда ривожланиш даражаси турлича бўлган мамлакатлар иқтисодини рағбатлантиради. Шунинг учун ҳам ташкилот, корхона ва илмий-тадқиқот институтлари ҳамда таълим муассасаларида меҳнат унумдорлигини бирданига ошириш учун зарур бўлган маълумотларни узатиш тармоқларининг ривожланиш суръати жадаллик билан ўсиб бориши керак;

турли соҳаларда меҳнат унумдорлигини кўтаришга интилиш турли маълумотлар базасидан ахборотларни олиш имкониятини берувчи ахборот – коммуникация технологияларини амалиётга кенг татбиқ этишнинг янада ривожланиши.

Шундай қилиб, жамиятимизнинг барча жабҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш иқтисодий ўсиш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида имкониятлар туғдиради. Шунингдек, мамлакатни ахборотлаштириш даражаси унинг иқтисод борасидаги рақобатбардошлигини ва қудратини баҳолашнинг ўлчови бўлиб хизмат қилади.

ПОКАЗАТЕЛИ КАЧЕСТВА ОБСЛУЖИВАНИЯ В ПОЧТОВОЙ СВЯЗИ

Ибрагимов Г.И., Рахимова С.Г.

В настоящее время качеству продукции (работ, услуг) уделяется огромное значение в любой сфере деятельности. Высокий уровень качества продукции (работ, услуг) повышает их конкурентоспособность, а также увеличивает степень доверия и удовлетворенности потребителей (пользователей). Если говорить о рынке услуг, то важную роль здесь играет не только качество самих услуг, но и качество их предоставления - качество обслуживания. Следует отметить особую важность показателей качества обслуживания в сфере почтовой связи, обеспечивающей предоставление социально значимых услуг. Повышение качества обслуживания в сфере почтовой связи Узбекистана является одной из самых главных и нерешенных на сегодняшний день проблем. В связи с этим решение задач, связанных с разработкой методов оценки показателей качества обслуживания в сфере почтовой связи, является безусловно актуальным.

В данной работе предложены и систематизированы показатели качества обслуживания, характеризующие различные стороны процесса обслуживания в почтовой связи. Предлагаются следующие показатели, относящиеся к каждой группе:

1. К пространственным показателям можно отнести следующие:

внешнее оформление здания (заметность почтового отделения среди окружающих зданий, ремонт, чистота и ухоженность прилегающей к зданию территории);

информационное оформление здания (наличие вывески с подсветкой, рекламных указателей);

внутреннее оформление помещения почтового отделения (современный дизайн помещения, его цветовое оформление в соответствии с фирменным стилем, оптимальность организации клиентского пространства и размещения рабочих мест в соответствии с принципом максимального удобства для клиента, чистота и аккуратность в помещении, наличие санитарно-технической службы, необходимое количество столов и стульев для удобства клиентов, наличие на столах образцов оформления основных услуг и шариковых ручек, а также каталогов подписки периодических изданий).

2. Информационные показатели включают в себя:

информацию о деятельности почтового отделения (время обслуживания, местонахождение отделения, идентификацию подразделений и сотрудников, обслуживающих клиентов, информацию о руководстве почтового отделения);

информацию об услугах: наличие рекламных материалов о предоставляемых услугах – буклетов и проспектов, которые клиент может

забрать с собой; наличие информации об основных параметрах предоставления услуг (цена, полнота и актуальность услуг). Данная информация должна быть представлена в разрезе отдельных услуг; оформление информационных материалов (информационных стендов и рекламных материалов: соответствие фирменному стилю, аккуратность, наличие отдельных информационных стендов по различным направлениям).

Наличие в почтовых отделениях информационного обеспечения позволяет клиенту получить наиболее полную информацию о деятельности и услугах почтового отделения, упрощает ему ориентацию при первом посещении и обращении за новой услугой.

3. Профессиональные показатели определяются на основе: анализа результатов наблюдения за процессом обслуживания клиентов;

записей в журнале предложений, имеющих отношение к работе персонала;

обработки информации из других источников поступления информации о реакции потребителей («горячая линия», Интернет и т.д.);

организации рейдов по проверке уровня обслуживания на почтовых отделениях и включение их результатов в итоговые расчеты.

Результатом анализа информации должна быть оценка таких параметров профессиональных показателей, как компетентность, корректность и доброжелательность персонала, умение сотрудников почтовых отделений работать с «трудным» клиентом, избегать конфликтов или умение максимально удачно их разрешать.

4. Претензионные показатели будут оказывать наибольшее влияние на оценку профессиональных показателей, поскольку удовлетворенность клиента качеством обслуживания и, как следствие, положительная или отрицательная его реакция в первую очередь определяются «качеством персонала».

Система сбора и обработки информации по отзывам и претензиям клиентов должна включать:

различные формы сбора информации о реакции клиентов;

процедуры оценки этой реакции в разных случаях; систему принятия мер - как поощрительных, так и порицательных;

оценку каждого почтового отделения; проверку наличия доступной информации;

оценку профессиональной подготовки персонала по вопросам работы с клиентами.

Положительный эффект от внедрения предложенного подхода к оценке качества обслуживания позволит: расширить и систематизировать информацию о предпочтениях потребителей, снизить роль субъективного фактора, повысит степень удовлетворенности потребителей почтовых услуг.

TIJORAT BANKLARIDA XIZMAT TURINING YANGI KO'RINISHI: INTERNET VA SMS-BANKING

X.O'.Raxmatov (Toshkent moliya instituti, i.f.n.)

O.U.Nurimov (TATU, 1-kurs magistranti)

Bozor iqtisodiyotiga o'tish sharoitida, mavjud barcha sohalarning taraqqiy etishi asosan ularning axborot kommunikatsiya texnologiyalari ta'minoti qay darajada samarali tashkil etilganligiga bog'liqdir. Shu sababli axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini jamiyat va davlat qurilishining barcha sohalariga keng va izchil tatbiq etish, undan amaliyotda samarali va oqilona foydalanish jamiyat taraqqiyotida muhim ahamiyat kasb etadi. Shunday sohalardan biri iqtisodiyotning real sektori hisoblangan bank-moliya tizimidir.

Prezidentimiz Islom Karimovning 2010 yil 26 noyabrda qabul qilingan "2011-2015 yillarda respublika moliya-bank tizimini yanada isloh qilish va barqarorligini oshirish hamda yuqori xalqaro reyting ko'rsatkichlariga erishishning ustuvor yo'nalishlari to'g'risida"gi qarori sohaga innovatsion yangiliklarni faol joriy etishda muhim dasturilamal bo'layotir.

O'zbekistonda bank tizimi rivojlanib borgan sari banklar tomonidan mijozlarga xizmat ko'rsatish sifati yaxshilanmoqda, ularga yangi bank xizmatlari taklif etilmoqda. Bunday xizmatlarni taklif etishda bank tizimi faoliyatiga innovatsion yangiliklarni joriy etishda axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan, telekommunikatsiyalar sohasining muhim yo'nalishlaridan biri — Internet tarmog'idan foydalanish ko'zlangan maqsadga erishish yo'lidir.

Shunday xizmatlardan biri axborot kommunikatsiya texnologiyalariga asoslangan xizmatning yangi ko'rinishi internet-banking hamda sms-bankingdir.

Bugungi kunda faoliyat yuritayotgan barcha banklar o'z faoliyatiga internet-banking hamda sms-banking xizmatini joriy qilmoqdalar. Xizmatning bu ko'rinishini bank sohasiga joriy qilish nafaqat bank xodimlariga, balki ular xizmatidan foydalanuvchi bank mijozlariga ham cheksiz qulayliklar yaratmoqda.

Internet banking-bu har bir mijoz o'z hisob raqamini Internet orqali boshqarib borishiga imkon beradigan xizmat turidir. Endi mijoz har kuni bankga borib hisob raqamini tekshirishi shart emas, aksincha masofadan turib bankdan ma'lumotlar olish imkoniga ega.

Har qanday mijoz xizmatning bu turidan foydalanishi mumkin. Sababi foydalanishning osonligi hamda hisob raqamni boshqarish uchun o'ziga xos bilim yoki qobiliyat talab etilmasligidir.

Internet-banking orqali quyidagi asosiy xizmat turlarini amalga oshirish mumkin.

Bankga barcha turdagi moliyaviy hujjatlarni jo'natish.

Istalgan davr uchun barcha hisob varaqalar bo'yicha ko'chirmalar va hujjatlar olish.

Bankda to'lov hujjatlarini qayta ishlashning barcha bosqichlarini real vaqt rejimida kuzatib borish.

Xatolar haqida tezkor ma'lumotlar olish.

Bitta interfeysda turli banklardagi hisob varaqalari bilan ishlash.

Kirayotgan va chiqayotgan to'lov hujjatlarini ko'rib va pechatlab borish.

Internet-bankingga ulanish juda soddadir. Buning uchun mijoz Internet tizimiga ulangan va Microsoft Internet Explorer brauzeri bor kompyuterga ega bo'lish kifoya. Shu bilan bir qatorda mijoz bankda o'z hisob raqamiga ega bo'lishi hamda "Internet-banking" va elektron raqamli sertifikat tizimida xizmat ko'rsatish shartnomasi imzolangan bo'lishi kerak.

Xizmatdan foydalanish davomida mijoz va bank o'rtasidagi hisob-Skitoblar real vaqt rejimida amalga oshiriladi. Mijoz bankda to'lov xujjatlarini qayta ishlash bosqichlarini kompyuter ekrani orqali kuzatib turadi. Bu xizmat turning tezligini ta'minlab beradi.

Agarda mijoz kompyuterga ega bo'lmasa ular uchun SMS-Banking dasturi qo'l keladi. SMS-Banking – bu mijoz o'z ish joyidan turib bank bilan SMS ma'lumotlar orqali bank bilan muloqotda bo'lishidir. SMS – Banking dasturida ishlaganda mijoz kechayu-kunduz o'z xisob varaqasidagi mablag'lar harakatini mobil telefoniga SMS ko'rinishdagi ma'lumotlar orqali kuzatib borish imkoniyatiga ega bo'ladi.

SMS – Banking dasturiga ulanish Bank uchun mijozga masofada turib pullik xizmatlar ko'rsatish doirasini kengaytirish imkoniyatini beradi. Mijozga SMS – ma'lumotlari orqali hisob varaqadagi mablag'lar xarakatlari va hisobvaraqalardagi mablag'lar qoldiqlari to'g'risidagi hisobotlar berish bankka amaliyot kuni ish soatlarida aloqa tarmoqlarni bandligini kamaytirish imkoniyatini beradi.

SMS – ma'lumotlari orqali mijoz quyidagi ma'lumotlarni olish imkoniyatiga ega:

So'ralgan vaqtda hisob varaqadagi qoldiqlarni;

Hisob varaqa bilan amalga oshirilgan so'ngi kirish amallarni;

Hisob varaqadagi amalga oshirilgan so'ngi chiqish amallari;

Kirish amallarni soni va summasini;

Chiqish amallarni soni va summasini.

Bundan tashqari mijoz bank yangiliklarini olish imkoniyatiga ega. Xavfsizlik masalalarini e'tiborga olgan holda ushbu dasturga pul o'tkazish funksiyasi kiritilmagan.

Bugungi kunda mamlakatimizning deyarli barcha mavjud tijorat banklari mazkur dasturlardan o'z faoliyatida keng foydalanmoqdalar. Sababi mazkur dasturlarning qo'llanilishi vaqt unumdorligining oshishi va xarajatlarning tejalishiga va shu bilan bir qatorda bank mijozlari sonining oshishiga olib kelmoqda.

РАЗВИТИЕ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОТРАСЛИ ПОЧТОВОЙ СВЯЗИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

*Кудрявцева Л.В. (ассистент ТУИТ)
Хабибуллин Т.И. (студент 3-го курса)*

Почтовая связь в Узбекистане предназначена для оказания услуг гражданам, органам государственной власти и местного самоуправления, юридическим лицам независимо от их места жительства и расположения на всей территории страны. Почтовая связь является неотъемлемым элементом социальной инфраструктуры общества, способствует свободному перемещению товаров, услуг и финансовых средств, свободе экономической деятельности.

Учитывая огромную территорию, наличие труднодоступных и малонаселенных районов, перечень услуг, оказываемых отделениями почтовой связи, одинаков как для городских, так и сельских отделений почтовой связи. Повышение качества предоставляемых услуг невозможно без модернизации всей деятельности почты, внедрения информационных технологий, современного оборудования и техники.

В целях автоматизации производства операционные окна отделений почтовой связи, включая сельские отделения почтовой связи, оснащаются современными почтово-кассовыми терминалами.

К автоматизированной системе электронно-денежного перевода подключены 878 объектов почтовой связи, к автоматизированной системе приёма платежей подключены 667 отделений почтовой связи. Ведутся работы по доработке автоматизированной системы учёта выплаты пенсий с целью стыковки автоматизированной системы «Пенсия» внебюджетного Пенсионного фонда при Министерстве финансов Республики Узбекистан.

Разработана и внедрена в сентябре 2011года автоматизированная система по контролю за прохождением регистрируемых почтовых отправлений с применением штрихкодов, позволяющая размещать информацию о прохождении почтовых отправлений на сайте ОАО «Узбекистон почтаси». К системе подключены автоматизированные рабочие места филиала «Халқаро почтамт», 15 обменных пунктов филиалов, а также 187 сортировочных участков узлов почтовой связи и производственных участков.

Создание и устойчивое функционирование современной сети почтовой связи невозможно без опережающего развития инфокоммуникационных и Интернет-технологий. Базой развития традиционных и организации новых услуг с применением ИКТ является телекоммуникационная инфраструктура.

В настоящее время город Ташкент соединен с Республикой Каракалпакстан и областными центрами волоконно-оптической магистральной линией связи, зарезервированными радиорелейными

линиями, то есть, создана мощная высокоскоростная магистральная транспортная сеть телекоммуникаций.

Таким образом, ОАО «Узбекистон почтаси», арендуя каналы и тракты телекоммуникаций от Ташкента до региональных филиалов и районных центров, организует современные КИС, используя при этом различные информационные технологии, может предоставлять все виды современных информационно-коммуникационных услуг.

Корпоративная компьютерная сеть имеет выход в Интернет, по ней осуществляется быстрый обмен электронными данными между ОАО «Узбекистон почтаси» и его структурными филиалами, а также функционируют внутри республиканские автоматизированные системы электронных денежных переводов и приема платежей.

Обеспечение равных условий для развития всей инфраструктуры почтовой связи, предлагая населению страны, независимо от места расположения объекта почтовой связи, одинаковый набор услуг с единым стандартом качества, а также использование современных ИКТ и Интернет-технологий для их реализации позволяют ОАО «Узбекистон почтаси» вносить свой вклад в решение общегосударственной задачи по созданию единого информационного пространства страны.

ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИЙ НА ПРЕДПРИЯТИЯ УЗБЕКИСТАНА

Киличева Ф.Б. (доцент кафедры Менеджмент и маркетинг), Данилова А.М. (студентка 2 курса группы 123-11 Мр)

Актуальность данной статьи обусловлена тем, что любое предприятие в нашей стране сталкивается с необходимостью внедрения инноваций, как основного условия поддержания и развития своей деятельности.

Инновация (нововведение) — конечный результат инновационной деятельности. Способность вносить в свой бизнес инновации является одним из самых важных инструментов для поддержания конкурентоспособности предприятий на своих рынках.

В настоящее время широко распространена информатизация общества. Она стала одной из важнейших характеристик нашего времени. Нет ни одной области человеческой деятельности, которая в той или иной степени не была связана с процессами получения и обработки информации. Чтобы эффективнее использовать информацию, необходимы нововведения. Одно из таких нововведений было внедрено на предприятие ООО «AZIA TECHNO PROGRESS».

Компания «AZIA TECHNO PROGRESS» является официальным представителем мировых производителей компрессорного оборудования в Узбекистане. Менеджеры компании ежедневно используют большой объем информации для подбора оборудования для предприятий Узбекистана. И для конкурентоспособной работы менеджеры должны

быстро реагировать на запросы заказчиков и оперативно обработать информацию.

Поэтому для компании ООО «AZIA TECHNO PROGRESS» был разработан и внедрен программный продукт, позволяющий отфильтровать данные и произвести правильный подбор оборудования и запасных частей для заказчиков (интерфейс программного продукта представлен на рис. 1.).



Рисунок 1. Программный продукт, внедренный на предприятие ООО «AZIA TECHNO PROGRESS»

Также в данный программный продукт интегрированы функции элементарных подсчетов, которые производят менеджеры по продажам, а также функция вывода коммерческого предложения по определенному подобранному оборудованию. Программный продукт содержит каталог оборудования, базу данных всех заказчиков, предоставленных коммерческих предложений и произведенных поставок.

До создания программного продукта все расчеты делались вручную. Для подбора необходимого оборудования просматривался большой объем документации, что влияло на оперативность работы. Не имелось архива документов, который бы позволял за короткий срок узнать необходимую информацию при необходимости. Все вышеперечисленное усложняло работу в компании.

Для разработки программного продукта была использована программа Microsoft Access.

Программный продукт «База данных продукции» разработанный для компании ООО «AZIA TECHNO PROGRESS» имеет следующую значимость:

Экономия времени: Менеджеры затрачивают меньше времени для обработки запроса. Если раньше менеджер затрачивал от 1 до 2 часов для подготовки коммерческого предложения, то после внедрения программного продукта менеджер затрачивает около 15 минут своего времени

Оперативность работы сотрудников: Менеджер может быстро реагировать на запрос и оперативно предоставлять коммерческое предложение

Конкурентоспособность: Способность вносить в свой бизнес инновации является одним из самых важных инструментов для поддержания конкурентоспособности предприятий на своих рынках. То есть инновация является ключевым фактором роста и прибыльности бизнеса предприятий.

Близкий контакт с заказчиками: Заказчики при желании могут подобрать оборудование самостоятельно, просмотрев электронный каталог и выбрав наилучший вариант для своего производства.

Легкость в эксплуатации: Программный продукт легок в управлении. Интерфейс программного продукта устроен так, чтобы менеджер без затруднений мог найти необходимую ему информацию. *Помощь неопытному персоналу в быстром обучении специфике работы:* Данный программный продукт позволяет облегчить обучение, так как содержит всю необходимую информацию для изучения оборудования. Обучившись программе, специалист свободно будет владеть необходимой ему информацией. Таким образом, после внедрения программного продукта была выявлена экономическая эффективность инновации. Если ранее эффективность менеджера по продажам составляла около 60%, то на данный момент она достигла 85%. И можно утверждать, что инновация - это новшество, внедренное в деятельность предприятия с целью повышения его эффективности на основе лучшего удовлетворения определенной общественной потребности.

TIJORAT BANKLARIDA XIZMAT TURINING YANGI KO'RINISHI: INTERNET VA SMS-BANKING

X.O'.Raxmatov (Toshkentmoliyainstituti, i.f.n.)

O.U.Nurimov (TATU, 1-kurs magistranti)

Bozor iqtisodiyotiga o'tish sharoitida, mavjud barcha sohalarning taraqqiy etishi asosan ularning axborot kommunikatsiya texnologiyalari ta'minoti qay darajada samarali tashkil etilganligiga bog'liqdir. Shu sababli axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini jamiyat va davlat qurilishining barcha sohalariga keng va izchil tatbiq etish, undan amaliyotda samarali va oqilona foydalanish jamiyat taraqqiyotida muhim ahamiyat kasb etadi. Shunday sohalardan biri iqtisodiyotning real sektori hisoblangan bank-moliya tizimidir.

Prezidentimiz Islom Karimovning 2010 yil 26 noyabrda qabul qilingan "2011-2015 yillarda respublika moliya-bank tizimini yanada isloh qilish va barqarorligini oshirish hamda yuqori xalqaro reyting ko'rsatkichlariga erishishning ustuvor yo'nalishlari to'g'risida"gi qarori sohaga innovatsion yangiliklarni faol joriy etishda muhim dasturilamal bo'layotir.

O'zbekistonda bank tizimi rivojlanib borgan sari banklar tomonidan mijozlarga xizmat ko'rsatish sifati yaxshilanmoqda, ularga yangi bank xizmatlari taklif etilmoqda. Bunday xizmatlarni taklif etishda bank tizimi

faoliyatiga innovatsion yangiliklarni joriy etishda axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan, telekommunikatsiyalar sohasining muhim yo'nalishlaridan biri — Internet tarmog'idan foydalanish ko'zlangan maqsadga erishish yo'lidir.

Shunday xizmatlardan biri axborot kommunikatsiya texnologiyalariga asoslangan xizmatning yangi ko'rinishi internet-banking hamda sms-bankingdir.

Bugungi kunda faoliyat yuritayotgan barcha banklar o'z faoliyatiga internet-banking hamda sms-banking xizmatini joriy qilmoqdalar. Xizmatning bu ko'rinishini bank sohasiga joriy qilish nafaqat bank xodimlariga, balki ular xizmatidan foydalanuvchi bank mijozlariga ham cheksiz qulayliklar yaratmoqda.

Internet banking-bu har bir mijoz o'z hisob raqamini Internet orqali boshqarib borishiga imkon beradigan xizmat turidir. Endi mijoz har kuni bankga borib hisob raqamini tekshirishi shart emas, aksincha masofadan turib bankdan ma'lumotlar olish imkoniga ega.

